

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ

С.А.Джуманов

Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон

Мазкур мақолада кичик саноат зоналаридаги хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилишнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга асосан трансформация қилишга оид илмий жиҳатдан асосланган муаллифлик таклифлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, кичик саноат зонаси, миллий стандарт, молиявий ҳисобот, трансформация, халқаро стандарт, хўжалик субъекти.

В данной статье рассматриваются теоретические, методологические и практические аспекты трансформации финансовой отчетности хозяйствующих субъектов в малых промышленных зонах на основе международных стандартов. Разработаны научно обоснованные авторские предложения по трансформации финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами.

Ключевые слова: малая промышленная зона, бухгалтерский учет, национальные стандарты, международные стандарты, финансовая отчетность, трансформация, хозяйствующий субъект.

Кириш

Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида зарур инфратузилмага эга ҳудудлардаги бўш турган бино ва иншоотларда кичик саноат зоналари ташкил этилди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудларида 100 дан ортиқ кичик саноат зоналари ташкил этилиб, уларда 535 млрд. сўмга тенг 1021 та лойиҳа амалга оширилди ва 9,6 мингдан зиёд иш ўрни яратилди [1.]

Кичик саноат зоналарида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва келгусида улар фаолиятини кенгайтиришда киритилган инвестицияларнинг самарадорлиги ҳамда фаолият юритаётган корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар хорижий инвесторларни қизиқтирадиган асосий жиҳат саналади. Бунда, кичик саноат зоналаридаги хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботлари асосий ахборот манбаи ҳисобланади.

Ўз навбатида кичик саноат зоналарига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлаш учун фаолият юритаётган корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга асосан трансформация қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб,

мазкур мавзуда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Адабиётлар таҳлили

Кичик саноат зоналарида ташкил этилган хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботларига оид айрим мулоҳазали ҳолатлар мавжуд. Бухгалтерия ҳисобига оид амалда бўлган қонунчиликка кўра, корхоналар миллий ёки халқаро стандартларга асосан бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши, юритиши ва молиявий ҳисоботларни тузишлари мумкинлиги қайд этилган [2.] Аммо, солиқ қонунчилигига кўра, ҳар бир корхона ўз фаолиятига оид молиявий ва солиқ ҳисоботларини бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига асосан солиқ идораларига тақдим этишлари белгилаб қўйилган [3.]

Бундан кўринадики, хўжалик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига асосан бухгалтерия ҳисобини ташкил этади ва юритади, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тузади. Агарда зарурат туғилса, параллел равишда хорижий инвесторлар учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига асосан молиявий ҳисоботларни шакллантириб боришлари мумкин. Аммо, бу жараён мураккаб ҳисоб-китоблар ва кўп меҳнат талаб этади. Шу сабабдан, хўжалик субъектлари параллел равишда ҳақаро стандартларга асосан молиявий ҳисоботларни тузишдан кўра, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга асосан трансформация қилишлари қулай ва кам чиқим ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга асосан трансформация қилиш, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини ҳисоб ва ҳисобот тизими амалиётига жорий этиш бўйича бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган.

Дастлаб, трансформация сўзининг луғавий маъносига тўхталиб ўтсак. Трансформация (*лотинчада Transformatio – ўзгартириш, қайта ташкил этиш маъносини билдириб*): 1) структура, шакл ва услубларни қайта ташкил этиш, фаолиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш; 2) айлантиришнинг усулларида бири, халқаро ҳуқуқ нормаларини ички давлат ҳуқуқи нормаларига қайта ташкил қилиш маъноларини англатади [4.]

Г.Исломова молиявий ҳисоботлар трансформацияси тўғрисида “... у ҳисобот санаси ҳолати бўйича ўтказилиши ва у миллий ҳисоб стандартлари бўйича тайёрланган молиявий ҳисобот кўрсаткичларини унинг барча элементларини эътироф этиш, ўлчаш ва очиб беришнинг тегишли қоидаларини ҳисобга олган ҳолда МҲҲС форматига ўтказиш учун зарур бўлган барча тузатишларни ўз ичига олади” дея ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган [5.]

С.Ташназаров молиявий ҳисоботни МҲҲС бўйича трансформацияси ва консолидацияси масалалари, молиявий ҳисоботнинг МҲҲС бўйича трансформацияси моҳияти ва босқичлари, молиявий ҳисобот (молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот) консолидацияси ва молиявий ҳисоботнинг коэффициентларини атрофлича тадқиқ этилган [6.]

Лекин, барча соҳада бўлгани каби, ушбу йўналишда ҳам доимий соҳани такомиллаштириш бўйича доимий изланишлар олиб бориш талаб этилади.

Чунки, юқорида қайд этиб ўтилган олимларнинг изланишларида айнан, кичик саноат зоналари мисолида тадқиқотлар олиб борилмаган. Кичик саноат зоналари мамлакатимиз иқтисодий ҳаётига яқин вақт оралиғида кириб келган тузилма ҳисобланиб, у ерда белгиланган алоҳида тартиб-қоидалар ва имтиёзлар шароитида молиявий ҳисоботларни трансформация қилишни тадқиқ этиш долзарб саналади.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш маълум бир давлатда қабул қилинган ва амал қилаётган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича шакллантирилган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлари талабларида белгиланган шаклга ўтказиш ёки ўзгартириш тушунилади.

Кичик саноат зоналари субъектларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга трансформация қилиш хорижий инвесторларга уларнинг молиявий ҳисобот ахборотларини ўқиш, тушуниш ва инвестиция киритиш бўйича қарор қабул қилишга имконият яратади.

Ҳозирги пайтда молиявий ҳисобот трансформациясининг тартиб ва қоидаларини белгилайдиган молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) мавжуд эмас. Шу боис, кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатида трансформация қилиш тамойиллари, тартиб-қоида ва усулларини мустақил ишлаб чиқиши талаб этилади. Шу боисдан молиявий ҳисобот трансформациясини амалга оширишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш, ташкилий-услубий механизмини ишлаб чиқиш ва тўпланган тажрибаларни умумлаштириш ижобий самара беради.

Кичик саноат зоналари субъектларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга асосан трансформация қилиш қуйидаги бир неча босқичлардан иборат (1-расм).

Кичик саноат зоналарида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилиш бирданига ижобий натижа бериши ва хатолардан холи бўлган молиявий ҳисоботларни тузишга имкон беради деб фикрлаш хато саналади. Бунинг сабаби, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисобот жуда кўплаб омиллар ҳисобидан шаклланади. Уларни биринчи уринишдаёқ тўлиқ қамраб олиш жуда қийин жараён ҳисобланади. Бу жараёнда биринчи трансформация қилиш босқичидаёқ жиддий хатоларга йўл қўйилмаслигига эътибор қаратиш зарур.

Компиляциянинг муҳим ва зарурий элементи инвесторларнинг талабига кўра молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилиш ҳисобланади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос келувчи барча ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш 1-сонли МҲҲС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” билан тартибга солиб борилади.

Молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида трансформация қилишда бухгалтерия балансини тузиш модули муҳим саналанади. Чунки, корхонанинг мулкӣ ҳолати, активлар ва мажбуриятларни қоплаш муддати

тўғрисидаги ахборот унинг тўлов қобилияти ва ликвидлигини баҳолашда фойдалидир.

Бунинг учун бухгалтерия балансида активлар ва мажбуриятларни узоқ ва қисқа муддатли қисмларга ажратиш туркумлаш зарур. Унинг аҳамияти шундаки, бухгалтерия баланси корхонанинг айланма капитали кўринишидаги соф активларини узоқ муддатли муомаладаги активларидан ажратишга имкон беради.

1	Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС)га асосан тузилган молиявий ҳисоботларни тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш
2	Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) талаблари бўйича субъектнинг ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва тасдиқлаш
3	МҲХС ва БҲМС бўйича фарқлар, қўшимча ҳисоб объектларини аниқлаш ҳамда профессионал мушоҳада қилиш
4	Ҳисоб объектлари ахборотларини қайта гуруҳлаш, қайта баҳолаш, тузатувчи бухгалтерия ёзувлари қилиш, трансформация модели ва жадвалларини тузиш, МҲХС бўйича ҳисоботларнинг бошланғич вариантларини тузиш
5	МҲХС бўйича молиявий ҳисобот тузиш ва унинг тақдимотини амалга ошириш

Манба. Илмий изланишлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.


1-расм. Кичик саноат зоналари субъектларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга асосан трансформация қилиш босқичлари.

Трансформация бўйича тажриба босқичма-босқич шакллантириб борилади ва натижада йилдан йилга трансформацияланадиган молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ошиб боради. Шу боис, кичик саноат зонасидаги хўжалик субъектлари келгусида яхши натижа олиши учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисобот трансформациясини амалга оширилиши зарур. Бинобарин, хўжалик субъектлари айнан ҳозирги вақтда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисобот тузишга эҳтиёж сезмаса ҳам, яқин келажакда бунга жиддий зарурият ҳис қилиши табиийдир. Шу боис, кичик саноат зоналарида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида трансформацияни бошлаши керак.

Трансформация бўйича тажриба босқичма-босқич шакллантириб борилади ва натижада йилдан йилга трансформацияланадиган молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ошиб боради. Шу боис, кичик саноат зонасидаги хўжалик субъектлари келгусида яхши натижа олиши учун молиявий

ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисобот трансформациясини амалга оширилиши зарур. Бинобарин, хўжалик субъектлари айнан ҳозирги вақтда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисобот тузишга эҳтиёж сезмаса ҳам, яқин келажақда бунга жиддий зарурият ҳис қилиши табиийдир. Шу боис, кичик саноат зоналарида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида трансформацияни бошлаши керак.

Тадқиқот ишида бухгалтерия балансини трансформацияга тайёрлаш ва тақдим этиш учун қуйидаги модуль таклиф этилган(2-расм.):



Манба. Karana и Агентство США по Международному развитию/<https://gaap.ru/articles>. принциплари асосида муаллиф ишланмаси.

2-расм. Молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида трансформация қилишда бухгалтерия балансини тузиш модули

Кичик саноат зоналарида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга асосан трансформация қилиш қуйидаги кетма–кетликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

миллий стандартлар бўйича тайёрланган молиявий ҳисобот компонентлари, шунингдек, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ва бошқа ҳисобот моддаларининг кенгайтмалари акс эттирилган аналитик ҳисоб маълумотлари, керак бўлса бошланғич ҳужжатларни тайёрлаш;

активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементларини қайта гуруҳлаштириш ҳамда қайта баҳолашдан ўтказиш. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда ҳам ҳар бир тегишли моддани молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос ҳолда қайта гуруҳлаштириш ва

баҳолаш. Худди шунингдек, бошқа ҳисобот моддаларини ҳам бирма-бир халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш чораларини ишлаб чиқиш; молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари даражасига етказиш учун тегишли тузатишлар киритиш, кўшимча бухгалтерия ёзувлари жадвалини ишлаб чиқиш;

тегишли тузатишлар бухгалтерия ёзувлари ёрдамида киритилгандан кейин молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига мос келадиган молиявий ҳисобот тузиш;

молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтишда атамалардан тўғри фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Миллий стандартлар асосида тузилган ҳисоботлардаги атамалар, кўрсаткичларнинг номланиши, уларнинг қисқартмасини халқаро стандартларга мос келадиган атамаларга ўтказиш.

Таҳлилларнинг гувоҳлик беришича, миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилишнинг ягона методологияси ва эталони мавжуд эмас. Шунинг учун ҳар бир субъект ўзининг молиявий-хўжалик фаолияти хусусияти, ресурслари ва иқтисодчи ходимларининг маҳорат даражасидан ҳисобга олган ҳолда трансформация қилиш тартибини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ

Бизнинг фикримизча, кичик саноат зоналаридаги ҳар бир хўжалик субъекти молиявий ҳисобот трансформацияси бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши шарт. Хўжалик субъектида молиявий ҳисобот трансформациясини амалга ошириш учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак:

хўжалик субъектида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тузишга чуқур зарурият ва эҳтиёж туғилган бўлиши лозим.

хўжалик субъектининг ички ва ташқи ахборотларидан фойдаланувчиларида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботдан фойдаланиш ва уни асосида қарорлар қабул қилишлари учун иқтисодий-ижтимоий муҳит яратилиши зарур;

миллий стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисобот объектив ва ишончли, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни ва Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига тўлиқ мос келиши талаб этилади;

молиявий ҳисоботга аудиторлик хулосаси олинган бўлиши мақсадга мувофиқ. Миллий стандартлар талабларидан четланиш, фарқланишлар, ахборотларни қалбакилаштириш ҳолатлари кузатилганда трансформация кутилган натижани бермайди. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари асосида тайёрланган молиявий ҳисобот молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга асос ҳисобланади;

хўжалик субъектининг замонавий корпоратив бошқарув тизими ва унинг таркибида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими мавжуд бўлиши зарур;

хўжалик субъекти барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши ҳам талаб этилади. Барқарор бўлмаган, сурункали зарар билан ишлайдиган корхоналар молиявий ҳисоботининг трансформацияси етарли шаффоф бўлмайди ва кутилган натижани бермайди;

хўжалик субъектида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини биладиган, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот соҳасида чуқур касбий тайёргарликка эга бўлган, иқтисодий ва молиявий математикани амалда қўллай оладиган мутахассислар бўлиши мақсадга мувофиқ.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга асосан трансформация қилиш билан боғлиқ шаклни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1-жадвал).

1-жадвал

Яккасарой кичик саноат зонаси "PRONTO TEXTILE GROUP" МЧЖнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш учун тавсия қилинаётган жадвали (минг сўм).

Молиявий ҳисобот моддалари	Ўтган йилнинг бошидаги натижа (қолдик)	МҲХС ўтган йиллар тузатишлари	Тузатишлардан кейинги натижа	Қайта гуруҳлаш	Жорий йилнинг тузатишлари	Йил охирига натижа (МҲХС бўйича)
Узоқ муддатли активлар	280390	5562	285952	203193	8639	211832
Жорий активлар	824775	-5562	819213	901972	-8639	893333
Мажбуриятлар	823530		823530	823530		823530
Капитал ва тақсимланмаган фойда	281635		281635	281635		281635
Тушум	1611582		1611582	1624822		1624822
Таннарх	1154755		1154755	1154755		1154755
Ялпи фойда	456827		456827	470067		470067
Операцион харажатлар	153668		153668	153668		153668
Молиявий фаолиятга доир даромадлар	214975		214975	214975		214975
Молиявий фаолиятга доир харажатлар	469380		469380	469380		469380
Асосий фаолиятнинг фойдаси	48754		48754	61994		61994
Асосий бўлмаган тушум	199620		199620	186380		186380
Одатдаги фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар	127346		127346	110020		110020
Солиқ тўлаунга қадар фойда	121028		121028	138354		138354
Соф фойда	114977		114977	131436		131436

Манба. "PRONTO TEXTILE GROUP" МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.[7].

Мазкур жадвалга асосан, узоқ муддатли активлар ва жорий активлар ўртасида тузатишлар амалга оширилди. Қайта гуруҳлаш бўйича узоқ муддатли активлар ва жорий активлар, тушум ва одатдаги фаолият билан асосий бўлмаган тушум, таннарх ва одатдаги фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ўртасида фарқлар акс эттирилди. Бу ўз навбатида йил охирида ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир қилган. Соф фойда йил бошида 114 977 сўмни ташкил этган бўлса, тузатишлар ва қайта гуруҳлаш натижасида йил охирида 131 436 сўмга ортганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш лозим.

МҲХС бўйича баҳолашдаги тузатишлар ва турли қайта гуруҳлаштиришлар асосидаги ҳисоб-китоблар кўплаб қўшимча ахборотни ҳамда чуқур профессионал ёндашув асосида таҳлил қилишни талаб қилади. Ҳисобот трансформацияси учун трансформацияни амалга оширувчи ташкилот БҲМС билан МҲХС ўртасидаги принципиал фарқларни белгилаб олиш зарур. Бунинг учун эса трансформацияни амалга оширувчи мутахассис бир вақтнинг ўзида БҲМС ва МҲХСлари ҳамда халқаро тажрибани чуқур эгаллаган бўлиши талаб этилади. Трансформация жадвалини шакллантириш жараёнида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган баланс моддаларини унга илова қилинадиган бухгалтерия счётлари қолдиқлари билан мослигини таъминлаган ҳолда ёритиб берилиши талаб этилади.

Хулоса ва таклифлар

Кичик саноат зоналаридаги хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш хорижий инвесторларни халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантирилган молиявий ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур ахборотларнинг шаффофлиги ва ишончилиги эса, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш тартиби, кўникмалари, босқичлари, маълумотларни қайта ишлаш жараёни, маблағлар ва уларнинг манбаларини қайта гуруҳлаш ҳамда баҳолашга боғлиқ. Шу сабабдан, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга асосан трансформация қилиш тартибини кичик саноат зонасидаги хўжалик субъектлари ҳисоб сиёсатига киритиш талаб этилади.

Кичик саноат зоналари субъектларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилишни такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

хўжалик субъектларининг бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилиши ва молиявий ҳисоботлари тўғри шакллантирилишини таъминлаш;

молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш учун ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва гуруҳлаш, баҳолаш, бухгалтерия ўтказмалари ва халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботлар тузиш каби босқичларга ажратиш зарур;

хўжалик субъектлари ўзининг молиявий-хўжалик фаолияти хусусияти, ресурслари ва ходимларининг касбий маҳорати даражасидан келиб чиқиб трансформация қилиш тартибини ишлаб чиқиши лозим;

хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилиш бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши талаб этилади.

Юқоридаги таклифларни амалда ижросини таъминлаш кичик саноат зоналаридаги хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга асосан трансформация қилишни такомиллаштиришга ҳамда хорижий инвесторлар учун молиявий ҳисобот ахборотларининг очиқ ва ошкора бўлишини таъминлашга, пировард натижада эса кичик саноат зоналарининг ресурслари ва иқтисодий салоҳиятини мақсадли йўналтиришга, хорижий

инвесторларга кафолатли ахборот бериш орқали инвестициялар ҳажмининг ортишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.president.uz>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти маълумотлари.
2. Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонуни (13.04.2016 йил, ЎРҚ-404-сон);
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 2018 йил.
4. http://www.dic.academic.ru/dic.nsf/_economic_law/16427/ Трансформация.
5. Исломов Г. МҲХС билан ишлашга тайёрмисиз? // Солиқ ва божхона хабарлари/2015 йил/№ 26., 2-бет.
6. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш (МҲХС ва илғор тажрибалар асосида). Монография. Т.: “Турон”, 2017 й., Б.170
7. Яккасарой кичик саноат зонаси "PRONTO TEXTILE GROUP" МЧЖнинг 2016-2018 йилги молиявий ҳисобот маълумотлари.